



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Сирдарё вилоят статистика
бошқармаси бошлиғи в.б
Б.Ерназаров
«25» сентябрь 2017 йил

Сирдарё вилоят статистика бошқармасининг статистик регистрларни юритиш бўлими НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3165-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси қабул қилган бошқа меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилди.

2. Статистик регистрларни юритиш бўлими Сирдарё вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлими ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

3. Статистик регистрларни юритиш бўлими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қарорлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика кўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда иш юритади.

4. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари

5. Статистик регистрларни юритиш бўлимининг асосий фаолияти қуйидаги вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади;

- Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш;
- илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий рақамларни тузишни таъминловчи статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш;
- вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларининг тезкорлигини, ишончлигини, ҳолислигини ва изчиллигини таъминлаш;
- корхона ва ташкилотларнинг ягона Статистик регистрларни, шунингдек тўпланадиган маълумотлар ҳисобга олинишини ва кўрсаткичлар идентификация қилинишини таъминлайдиган статистика кузатувлари объектларининг статистика регистрларини юритиш;
- корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри ахборот маълумотнома хусусиятидаги, вақти-вақти билан янгиланган туриладиган маълумотларни ўз ичига олувчи автоматлаштирилган тизим бўлиб, корхоналар ва ташкилотлар ягона таснифлаш тизими асосида давлат ҳисобиغا олиниш ва идентификация қилинишини таъминлаш;
- Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

- статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;

- статистика ахборот ресурсларинининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;

- статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;

- хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.

1 - ҳудудий ва иқтисодиёт тармоқларида юзага келадиган тенденциялар фактор ва сабабларини очувчи ҳисобот давридаги статистик таҳлил усулларини қўллаган ҳолда таҳлил материаллари, ёзувлари ва маърузаларини тайёрлаш ва уларга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда хўжалик бошқаруви органларига тақдим этиш;

- иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва ҳудудларни ривожлантириш Давлат дастурлари бажарилишининг бориши тўғрисида таҳлилий ёзувларни тайёрлаш ва уларни маъсул ижрочиларга тақдим этиш;

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг долзарб масалалари бўйича прессрелиз ҳамда мақолаларни, шунингдек ҳисобот даврида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини характерловчи статистик маълумотларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

- ҳисобот даврида республика ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларини бошқарманинг расмий веб-сайтига жойлаштириш;

- статистика бошқармасининг расмий веб-сайти ва кўрсатиладиган интерактив хизматлар мазмунидан қониқиш ҳосил қилганлиги ҳусусида статистика маълумотларидан фойдаланувчилар орасида мунтазам равишда сўровлар ўтказиш;

1 - ишончли давлат статистик ҳисоботларни хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этиш бўйича улар билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни оширишнинг ишлайдиган механизмларини ишлаб чиқиш;

- статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатишнинг замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш.

6. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

III. Бўлимнинг асосий функциялари

7. Статистик регистрларни юритиш бўлимининг ўз зиммасига юкланган вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларини бажаради:

-иқтисодий кўрсаткичларнинг таркибини, уларни олиш тартиби ва манбаларини, уларни ҳисоблаб чиқиш методологиясини янгилаш натижали ахборотни долзарблаштириш ва шакллантириш тартибини белгилайди;

- Давлат рўйхатидан ўтган КТЯДР субъектларини ягона давлат рўйхатга олишни ташкил этади;

- вилоят даражасида давлат рўйхатидан ўтган янгидан ташкил этиладиган корхона ва ташкилотларга КТУТ идентификациялаштириш кодларини беради;

- Давлат статистикасининг минтақавий органларидан КТЯДРга киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисидаги маълумотларни ҳамда шунинг асосида республика бўйича КТЯДР маълумотларининг янгиланишини ва долзарблаштиришни таъминлайди;

- рўйхатга олувчи органлар билан ўзаро ҳамкорликда КТЯДР юритилишини таъминлайди;

- Давлат бошқаруви минтақавий органларининг регистрлари ва маълумот базалари билан КТЯДРнинг ўзаро муносабатларини таъминлайди;

- белгиланган тартибга мувофиқ КТЯДРдан фойдаланувчиларга ахборот-маълумотнома хизмати кўрсатишини амалга оширади;

- статистика ишларининг кўп йиллик ва йиллик дастурларининг бажарилишини таъминлайди;

- статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборотларини қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;
 - статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот-тушунтириш ишларини амалга оширади;
 - миллий қонун ҳужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;
 - маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очиқ статистика ахборотини тарқатади
8. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

IV. Бўлимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботларини олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;
- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг давлат статистика кузатувларини ўтказиш ва олинган маълумотлардан статистика мақсадларида фойдаланиш;
- давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан, давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни тайёрлашнинг ҳар қандай босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;
- олинаётган давлат статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ҳолислиги ва ишончлигини экспертизадан ўтказиш;
- давлат статистика маълумотларида қондабузарликлар аниқланган тақдирда, уларни бартараф этиш ҳақида кўрсатмалар бериш ҳамда жамланма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;
- юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлардан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш учун зарур маълумотларни олиш;
- давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;
- олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлиги ва ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;
- вилоят ҳудудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш.
- статистик ҳисобот кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;
- статистик ҳисоботни нотўлиқ ва қасдан нотўғри тақдим этган ҳолда қўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш қўрасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш.

10. Бўлим ўзига тегишли вазифаларни амалга оширишда статистика соҳасида амалдаги қонунчиликда белгиланган ягона сифатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

11. Бўлим ходимлари Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига қўмақлашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

12. Бўлим бошлиғи бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат шартномасининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан маъсулдир.

13. Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши мумкин.

V. Бўлимнинг ташкилий ва функционал структураси

14. Бўлим низоми ва лавозимлари Кўриқномаси Бўлим бошлиғи томонидан тасдиқланади;

15. Бўлимни мажбур низоми асосида Бўлим бошлиғи бошқаради.

16. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозимга бошқарма бошлиғи томонидан тайинланади ва озод этилади.

17. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

18. Бўлим штатлари сони ва иш хақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат ҳаддлари асосида белгиланади.